



“Hazorasp paxta tozalash” aksiyadorlik
jamiyatı aksiyadorlarinin
2018 йил “7” июльдеги тумий йиғилиши
қароры билан 9-маяга мувофиқ

“ТАСДИКЛАНГАН”

K.Fouipov



**“ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
2018-2022 ЙИЛЛАРДА РИВОЖЛАНТИРИШ
СТРАТЕГИЯСИ**

М У Н Д А Р И Ж А:

1. Ривожлантириш стратегиясининг мақсади	3-бет
2. Жамият фаолиятининг мақсади	4-бет
3. Жамият ҳақида маълумотлар	4-бет
4. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси	5-бет
5. Корхона қувватини ошириш ва пахтани қайта ишлашни қисқа муддатларда бажаришни таъминлаш	6-бет
6. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга ошириш, замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологияларни татбиқ этиш	7-бет
7. Пахта саноати маҳсулотларининг харидоргирлиги ва рақобабардошлигини ички ва ташқи бозорларда янада кўтариш	8-бет
8. Инвестицион дастурларни амалга ошириш	8-бет
9. Ишлаб чиқариш сарфлари ва маҳсулот таннархини қатъий тежамкорлик режимини жорий этиш шу жумладан технологик жараёнларни рационаллаштириш, материал, электр ва бошқа энергиялар ва бошқа харажатлар сарфини камайтириш	8-бет
10. Техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқариш халқаро стандартларини жорий этиш	9-бет
11. Кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш	10-бет
12. Кутилаётган натижалар	10-бет

1. Ривожлантириш стратегиясининг мақсади

Стратегия умумий тарзда жамиятнинг мавқеини мустаҳкамлаш, мижозларнинг талабларини қондириш ва қўйилган мақсадларга эришишга қаратилган бошқариш режасидир. Аниқ стратегияни танлаш - ривожланишнинг мумкин бўлган турли йўллари ва усуллари ичидан энг мақбулини танлаб олиш демакдир.

Стратегияни ишлаб чиқиш менежерларнинг асосий функцияларидан биридир.

Стратегия жамиятнинг узоқ муддатли мақсадлар ва фаолиятига тааллуқлидир. Айтиш мумкинки, стратегияни (ҳаракатлар тарзини) ва унинг аниқ воситаларини ифодалаш бошқарувнинг негизини ташкил қиласи ва жамиятда менежментнинг яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатувчи энг тўғри белги бўлиб хизмат қиласи.

Стратегиянинг мазмуни қўйидагилардан иборат:

- жамиятбизнесининг йўналиш ва асосий мақсадларни белгилаб олиш;
- жамиятнинг ташқи муҳитини таҳлил қилиш;
- ундаги ички вазиятни таҳлил қилиш;
- жамиятнинг ёки хўжаликнинг ўрта бўғинларида стратегияни танлаш ва ишлаб чиқиш;
- диверсияланган фирманинг портфелини таҳлил қилиш;
- унинг ташкилий структурасини лойиҳалаш;
- интеграция даражасини ва бошқарув тизимини танлаш;
- «стратегия - структура - назорат» мажмуасини бошқариш,
- жамият фаолиятининг баъзи соҳалардаги сиёсатини ва унинг феъл-атвор меъёрларни белгилаш,
- жамият стратегия ва натижаларининг тескари алоқасини таъминлаш,
- стратегияни, структурани ва бошқарувни такомиллаштириш.

Стратегия - ташкилотнинг ташкилий вазифа ва мақсадларига эришишда фойдаланиладиган ташкилий ҳатти-ҳаракатлар ва бошқарувга ёндашувлари тарзидир.

Стратегик режалаштиришнинг роли ва вазифалари ахборотлар тўплаш ва уларни ишлаш, стратегияни ҳар йили кайта кўриб чиқиш тизимини яратиш ва келажакда уни бошқаришдан иборат бўлади.

Кузатув кенгаши муҳим стратегик йўналишларни кўриб чиқади ва юқори бошқарув тизими тавсия этган стратегик режаларни расмий жиҳатдан тасдиқлайди.

Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини қисқа ва узоқ муддатли режалаштириш стратегик режалаштиришнинг бир қисмидир. Қисқа ва узоқ муддатли режалаштириш корхона ривожланишини стратегик мақсадларга мувофиқлигини таъминлаш учун ўтказилади. Режалаштиришнинг

вазифалари жамият фаолиятини ташкил этиш, ресурсларни тақсимлаш ва баҳолаш натижаларига мослигини аниқлаш, ривожланишининг асосий факторларини башорат қилиш, аввалги йиллар метод ва натижалари, ички ва ташқи муҳит таҳлилини ташкил этишдан иборат. Бизнес режа – жамиятни олдиндан белгилаб олган стратегияси ва тактикаси асосида молиявий-иктисодий ахволини таҳлил этиш ва баҳо бериш жараёнидир.

Жамиятнинг 2018-2022 йилларга мўлжалланган узоқ муддатли ривожлантириш стратегияси жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бозорида рақобатбардош ва потенциал имкониятларни юзага чиқариб, олдинги мавқеларда бўлишга интилишни мужассам этади.

2. Жамият фаолиятининг мақсади

-“Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

-Жамиятининг мақсади пахта етишириувчи хўжаликлардан қабул қилинган пахта хомашёсини сифатли қайта ишлаб, стандартлар талабларига жавоб берадиган пахта маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишдан иборатдир.

3. Жамият ҳақида маълумотлар

1.Жамиятнинг номланиши:

тўлиқ номи – “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти.

қисқа номи – “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ.

2.Ташкилий – хуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

3.Жамиятнинг юқори ташкилоти: “Ўзпахтасаноат” АЖ.

4.Жамиятнинг юридик ва алоқа манзили: Ўзбекистон Республикаси, Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н.Машарипов кўчаси, 2-йй.

5.Давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами: 2016 йил 21 июл кунда №2665-сон рақам билан Хоразм вилояти Хазорасп тумани Ягона дарча марказида рўйхатдан ўтган.

-“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ 1924 йилда ишга туширилган;

-Пахта тозалаш корхонаси бир батареяли ишлаб чиқариш жараёнидан иборат;

-Пахта тозалаш корхонаси 35 000 тоннагача пахта хом ашёсини қайта ишлаш қувватига эга;


-Пахта хомашёсини қуритиш-тозалаш цехида СБО – қуритиш барабанларида қуритилади. Қуритилган пахта хомашёси СЧ-02 дағал ифлосликлардан ва УХК тозалагич линиясида дағал ва майдада ифлосликлардан тозаланади. Тозаланган пахта хомашёси тола ажратиш

цехида 5 ДП – 130 (джин) ускуналарида чигитдан толани ажратади. Олинган пахта толаси пресслаш цехида ДА–8237 пресс ускунасида тойланади. Тойланган пахта толаси электрон тарозиларда тортилиб, лентали транспортер ёрдамида тайёр маҳсулотлар омборига ўтказилади;

-5 ЛП линтер ва MR-160С Хитой линтер агрегатларида чигитдан момик ажратиб олиниб, момик Да–8237 пресс ускунасида тойланади. Тойланган момик электрон тарозида тортилиб, тайёр маҳсулотлар омборига ўтказилади. Чигит маҳсулоти тарозида тортилиб элеватор ва шнеклар орқали чигит омборига узатилади.

6. Жамиятнинг реквизитлари: АТБ “Агробанк” Хазорасп филиали, x/p:20210000900556171001, МФО: 00558, СТИР: 200420080, ОКЕД: 17111.

4. Жамиятнинг ташкилий тузилмаси



5. Корхона қувватини ошириш ва пахтани қайта ишлишни қисқа муддатларда бажаришни таъминлаш

5.1. Корхона қувватини ошириш ва пахтани қайта ишлишни қисқа муддатларда бажаришни таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини амалга ошириш.

Ўртча пахта тозалаш корхонасининг қуввати бир суткада тахминан 85,4 тонна тола ишлаб чиқариш имкониятига эга. Бундай иш унумдорлигига 11 минг тонна толани 131 календар кунда ишлаб чиқариши мумкин (4,5 ой, сентябрь – январь)

Лекин, амалда пахта тозалаш корхоналари бунча маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 269 календар куни (9 ой) сарфлайди. Бунда корхонанинг иш кунлари тахминан 214 кунни ташкил этади (ишлаб чиқариш – суткасига 50 тонна тола).

Ўрта ҳисобда мавсумда пахта тозалаш корхонаси 54 кун тўхтаб туради (сабаблари – электр энергиясининг ўчиши, эҳтиёт қисмларининг этишмаслиги ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш қувватини ишлатиш тахминан 60 % ни ташкил этади.

Ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишлатилмаслиги фақатгина электр энергиясининг ўчиши, материал-техник русерсларнинг этишмаслигидангина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг оптималлаштирилмаган технологик схемаси ҳамдир. Шу сабабли, технологик схемаларини ҳам оптималлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Пахтани қайта ишиш мавсумининг чўзилиб кетиши ва иш унумдорлигининг пастлиги корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари салбий таъсир кўрсатади – ишлаб чиқарилаётган толанинг ассортименти ёмонлашади, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, электр энергиясига ва таъмирлашга бўлган ҳаражатлар кўпаяди, фойда камаяди.

Пахтани қайта ишишни тезлаштириш ҳамда қайта ишиш даврини 4-5 ойгача ва ундан камроққа қисқартириш (тола терминаллари омборларида етарлича жойлар бўлган тақдирда) пахта толаси учун жаҳон нархларининг қулий конъюнктураси шароитларида ўзбек толасининг сотилиши шароитларини анча яхшилайди, чунки у кенгроқ ассортиментда таклиф этилган бўлади.

Пахтани, айниқса юқори намлик ва ифлосликдаги пахтани, ғарамларда ноқулай об-ҳаво шароитларида (кузги-қишки даврда ёғингарчиликлар қўпроқ бўлади) сақлаш муддатларини қисқартириш ундаги йўқотишлар ва толанинг паст навларга ўтишини сезиларли даражада камайтиради, бунинг ҳисобига соҳада катта самарадорликка эришилади.

Пахтани қайта ишлаш муддатларини қисқартириш эксплуатацион ва бошқа ҳаражатларнинг камайиши ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини тушириш имконини беради.

Пахтани қайта ишлашни тугаллаш ва тола сотилишини тезлаштириш фермерлар билан бўлган ҳисоб-китобларни қисқа вақт ичидаги бажарилишига имконият туғдиради, бу эса фермерларни янги ҳосил учун яхши ишлашга туртки бўлади.

6. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантиришни амалга ошириш, замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган технологияларни тадбиқ этиш

6.1. Пахтани дастлабки ишлаш технологияси такомиллаштириш, мавжуд ускуналарни модернизация қилиш.

6.2. Технологик ускуналарнинг ишларини назорат қилувчи ва уларнинг оптимал режимларда ишлашини таъминловчи, маҳсулотлар чиқишининг ҳисобини олиб борадиган замонавий компьютер тизимини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

6.3. Пахта тозалаш корхонасининг иш жараёнида пахта ва пахта толасининг кўрсаткичларини оператив ўлчайдиган тизим ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш.

6.4. Техник эксплуатация қилиш талабларини эътиборга олган ҳолда пахта тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш корхонаси ускуналарини капитал таъмираш таъмираш жараёнлари қаттиқ мониторинг қилиш.

6.5. Янги техника (ИИЧ-1,9 русумли иссиқлик агенти генератори, УХК ва 1ХК агрегатларини модернизация қилиш, янги приборлар ва ҳ.к. Юқори рейтингли пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги ишланмаларни тезлаштирилган усулда амалиётга тадбиқ этиш шароитларини яратиш.

6.6. Пахта ва чигит сақланиш шароитларини оптималлаштиш мақсадида илғор ўлчов-назорат ускуналарини, жумладан, электрон автомобиль тарозилари, пахтанинг қизиб кетиши ва ёниши олдини оладиган қуритиш агенти ҳароратини автоматлаштирилган тарзда назорат қилиш қурилмалари, лаборатория приборлари ва автоматлаштириш мосламаларини жорий этиш.

6.7. Ихтисослаштирилган таъмираш бригадалари томонидан пахта тозалаш корхоналарига сервис хизмати кўрсатиш тизимини тадбиқ этиш.

6.8. Корхонанинг моддий-техник таъминотини яхшилаш.

6.9. Толанинг таннархини пасайтириш мақсадида электр энергияси ва ёқилғининг меъёrlар бўйича сарфланиши, ҳамда ишчилар сонининг

асосланмаган равища (штат рўйхатига нисбатан) кўпайиб кетмаслигини қаттиқ назорат қилиши.

7. Пахта саноати маҳсулотларининг харидоргирлиги ва рақобабардошлигини ички ва ташқи бозорларда янада кўтариш

7.1. Қуидагиларни таъминлаган ҳолда пахтани дастлабки ишлаш технологик регламенти талабларининг қатъий бажарилиши устидан назоратни кучайтириш:

- олинаётга I ва II саноат навли толанинг сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқарилаётган толанинг 98 % гача кўтарилиши, шундан «Олий» синфининг миқдорини 75 % га, «Яхши» синфини 20 % га етказиш;
- пахта момифининг «Олий» синфга мансуби миқдорини 20 % га, «Ўрта» синфга оидини 80 % гача кўтариш;
- 1 нав, 1 синфга оид техник чигит миқдорини 80 % гача кўтариш.

7.2. Пахта толасига миқдор ва тойлар ичидағи брак, уларнинг ўралиши ва маркировкаси туридаги сифат кўрсаткичлари бўйича рекламацияларни нольга тушириш бўйича тадбирларни амалга ошириш.

7.3. Пахтани қайта ишлаш сифатини кўтариш.

7.4. Пахта толасининг ўта намланиши олдини олиш.

7.5. Пахта маҳсулотларининг янги ўраш ва боғлаш материаллари – ПЭТ-лента ва ПЭ/трикотажли юмшоқ ўраш материалларига босқичма-босқич ўтиш.

7.6. Пахта маҳсулотларининг ўров материалларини тайёрлаш даврида меъёрий ҳужжатларга қатъий риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиши.

8. Инвестицион дастурларни амалга ошириш

8.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси Давлат дастурига мувофиқ инвестицион ва манзилли дастурларини амалга ошириш.

8.2 Манзилли дастурдаги ҳар бир объект бўйича топшириш – қабул қилиш ҳужжатларини расмийлаштириш кўзда тутилган лойихаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш.

9. Ишлаб чиқариш сарфлари ва маҳсулот таннархини қатъий тежамкорлик режимини жорий этиш шу жумладан технологик жараёнларни рационаллаштириш, материал, электр ва бошқа энергиялар ва бошқа ҳаражатлар сарфини камайтириш

Ўзбекистоннинг ижтимоий иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига кўра соҳада ишлаб чиқариш сарфларини камайтириш ва

маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича дастур ишлаб чиқилган ва узлуксиз амалга оширилмоқда.

9.1 Жамиятда маҳсулот таннархини пасайтириш ноишлаб чиқариш сарфларини пасайтириш чораларини амалга ошириш.

9.2 Моддий техника ресурларининг эксплатацион материалларини ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларнинг сарфланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш, уларнинг меъёрдан ортиқча ишлатилишига йўл қўймаслик. Эҳтиёт қисмлар ва материалларнинг харид қилинишини устидан доимий назорат олиб бориш, маблағларнинг мақсадсиз ишлатилишига барҳам бериш.

9.3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиқсан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон Қарорига асосан ишлаб чиқариш ҳаражатларини йилига ўртacha 10 %га қисқартириш.

9.4 Жамиятда юқори сифатли ва қиммат параметрларга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўриш. Товар маҳсулотнинг ўсишига эришиш.

9.5 Маъмурий бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимларининг сонини оптималлаштириш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатларини пасайтириш.

Бўшаган меҳнат ресурсларини истиқболли лойиҳаларнинг амалга ошириш учун бандлигини таъминлаш.

9.6 Ишлаб чиқариш сарфларини қаттиқ тежаш режимини таъминлаш мақсадида маҳсулот таннархини соҳанинг ҳар бир корхонаси бўйича амалдаги энергия ва ёқилги истеъмоли ЁММ ва газ ҳамда моддий техника ресурсларини тежаш бўйича ташкилий техник чоралар режаларини қайта кўриб чиқиши, назорат гурухлари ташкил этиш. Рентаблликни 2,2-2,5 %гача ошириш

9.7 Маъмурий бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари бўйича сарфларини оптималлаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш.

9.8 Корхона фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларининг эффектив тизимини жорий этиш.

10. Техник ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш, маҳсулот сифатини бошқариш ҳалқаро стандартларини жорий этиш

10.1.Бошқарув тизимини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёни маҳсулот сифатини назоратини кучайтириш мақсадида ISO 9001 ҳалқаро стандартини амалга ошириш.

10.2 Технологик ва ёрдамчи ускуналардан фойдаланиш, пахта хомашёсини дастлабки ишлашини тасдиқланган регламентига риоя қилиш устидан назоратни кучайтириш, корхонада маҳсулот сифатини комплекс назорат қилиш бўйича кенг ваколатли, шу жумладан корхона ходимларини юқори сифатли маҳсулот чиқаришга рағбатлантириш бўйича гурухлар тузиш.

10.3 Пахтани дастлабки ишлаш жараённимолия ҳисоби ва ҳисбот, ходимларни тезкор ва ишлаб чиқариш технологик фаолиятни компьютерлаштириш бўйича информацион тизимни жорий этиш.

11. Кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш

11.1 Ходимларининг лавозимлари ва мутахасисликларига бўлган батафсил малакавий талабларни (Низомлар, лавозим йўриқномалар, классификатор) ишлаб чиқиш ва ходимларни муайян равища аттестациялашни йўлга қўйиш.

11.2 Корхонани молиявий соғломлаштириш бўйича раҳбарият таркибини қайта кўриб чиқиш ва юқори малакали раҳбарларни тайинлаш йўли билан чораларни амалга оширилшини таъминлаш.

11.3 Инновацион ва илмий ютуқлар тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш учун ахборот майдончалари (сайтлар)ни шакллантириш.

11.4 Корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, бошқарувга хорижий менеджер жалб қилиш.

11.5 Республикада ташкил қилинадиган ички соҳавий семинарлар ва малака ошириш курсларида иштирок этиш.

12. Кутилаётган натижалар

Юқорида режалаштирилган вазифаларни амалга оширишдан қўйидаги натижалар кутилади:

-маҳсулотнинг сифати ва товар кўриниши яхшиланади, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлиги ошади;

-технологик кўрсаткичларнинг яхшиланади ва ишлаб чиқариш йўқотишлари камаяди;

-пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари ва унинг таннархи пасаяди;

-корхонанинг рентабеллиги ошади ва молиявий аҳволи соғломлашади.

-замонавий корпоратив бошқарув тизими талаблари ҳисобга олинган ҳолда юқори малакали ҳодимлар тайёрланади, ишлаб чиқариш, инвестицион, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ошади;

-ишлиб чиқаришда маҳаллий хомашё ва материалларнинг қўлланилиши техник иқтисодий кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келади;

-ишлиб чиқаришни диверсификациялаш ва маҳсулотнинг янги турлари ишлиб чиқарилишини ўзлаштириш ҳамда ишчи ўринлари кўпайтириш пахта толаси ва техник чигитларни етказиб берилишини аниқ ва ўз вақтидаги ҳисобини ишлиб чиқиш ва сотиш ҳисоби таъминланади;

- ходимларининг малакаси ва тажрибасининг ошиши, ишлиб чиқаришда ва маҳсулотни баҳолаш соҳасида инновацион лойиҳаларни жорий этилиши;

-корхонанинг энергиядан фойдаланиш самарадорлигининг ошиши, ёқилғи-мойлаш ва электр энергияси истеъмоли пасаяди;

-ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш ҳисобига тақдим этилаётган маълумотларнинг тўлалиги, аниқлиги ҳамда тезкорлиги оширилади.